
"АТЛАС БАЙРАМИ" ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан биргаликда жорий йилнинг 19-21 сентябрь кунлари Марғилон шаҳрида бўлиб ўтадиган "Атлас байрами" VI халқаро анъанавий тўқимачилик фестивалига тайёргарлик жараёнлари билан танишди.

Хусусан, Эркин Воҳидов номидаги Ижодкорлар боғида жойлашган амфитеатрда бўлиб, фестиваль тараддуди бўйича масъуллар билан мулоқот қилди. Худудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, байрамона безатиш, иштирокчилар ҳамда ҳунармандларга қулай шароитлар яратиш, павильонларни жойлаштириш бўйича масъулларга тегишли вазифа ва топшириқлар берилди.

Шунингдек, шаҳар тарихи музейининг олд майдонидаги ҳолат танқид қилиниб, уни зудлик билан бартараф этиш, кўркам ва ораста ҳолатга келтириш, тадбирни юқори савияда ўтказиш борасида аниқ кўрсатмалар берилди.

Шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, тадбирлар ўтказиладиган объектлар ҳамда марказий кўчаларни ободонлаштириш ишларини жадаллаштириш топширилди.

Анъанавий ташкил этилаётган мазкур фестивалда 20 дан зиёд давлатдан юзга яқин хорижлик меҳмонлар иштирок этиши кутилмоқда.

2024-09-08 18:03:46